

IV. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)

2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 55286 тани ташкил қилди.

2018 йил январь-март ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 46,1 фоизи (2017 йил январь-мартда 47,4 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2018 йилнинг январ-мартида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- 665,2 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлғанларнинг 56,8 фоизи), шу жумладан банд бўлғанларнинг 421,4 минг нафари якка тартибдаги тадбиркор, 243,8 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 4770,5 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 67,1 фоизи) ёки 2017 йилнинг январь-мартига нисбатан 105,0 фоизни ташкил қилди;

- 1873,6 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестиациялар ҳажмининг 50,2 фоизи) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январь- мартига нисбатан 121,1 фоизга ўсади;

-1123,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 68,9 фоизи) бажарилди ва 2017 йилнинг январь- мартига нисбатан 101,5 фоизга кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 106,7 фоизга, йўловчи айланмасининг эса 102,7 фоизга кўпайиши таъминланди;


- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 74,8 фоизи ёки 4427,4 млрд. сўми (ўсиш 99,8 фоиз) бажарилди

- хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 50,6 фоизи ёки 5137,6 млрд. сўми (ўсиш 102,0 фоиз) шакллантирилди;

**2018 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти
(ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг
(фуқаролар мулки) улуши қўйдагича ифодаланади:**

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ши, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>
Саноат	4770,5
Курилиш	1123,9
Чакана савдо	4427,4
Юк ташиш, <i>млн тн.</i>	19,0
Йўловчи ташиш, <i>млн.кишии</i>	211,0
Экспорт, <i>млн. АҚШ долл.</i>	681,4
Импорт, <i>млн. АҚШ долл.</i>	1609,5

Ялпи худудий махсулот ва иқтисодиёт тармоқлари махсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



ЯХМ Саоат Асосий
Курилиш Савдо
капиталга
киритилгандай
инвестициялар

